



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

Нажот – таълимда

ЭНГ КАТТА МУАММО – ЎЗИМИЗДА



Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистон”нинг асосий мақсад ва ғояларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни нафақат ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, балки маънавий-маданий, ижтимоий ва ахлоқий етук, мустақил фикрловчи баркамол авлодни вояга етказишдан иборатдир.



Мана шу юртда яшаётган ёшларни ҳар томонлама мукамал инсон қилиб тарбиялашни бугун замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Кўзланган мақсадга миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни сақлаб қолиш, қадриятларга содиқ қолган ҳолда, замонавийликка эришиш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, қисқача айтганда,

миллий маънавиятимизни юксалтириш орқалигина эришишимиз мумкин. Зеро фақатгина маънавият шахнинг, халқнинг, миллатнинг, давлатнинг, қолаверса, жамиятнинг кучи ва қудрати, инсоният тараққиёти ва истиқболлини белгиловчи ички бир ижобий руҳий омил бўлиб хизмат қилади.

(Давоми 2-саҳифада)

Таассуф



МАЖЛИСИНГИЗ ТУГАДИМИ, ЖАНОБ?

“Veolia energy Tashkent” МЧЖ ХК бош директориغا жавоб хати

Бултурги қиш халқимизни шоширибгина қолмай, анча-мунча ташвишга ҳам солганини, айниқса, об-ҳавонинг кескин совиши газнинг аранг милтиллаб ёнишига сабаб бўлиб, менга ўхшаган кўп қаватли уйларда яшовчилар иссиқликдан маҳрум бўлганини ҳали унутганимизча йўқ. Уй ичида қанчалик иссиқ кийинмайлик, совуқ захри болаларнинггина эмас, биз катталарнинг ҳам жонимиздан ўтди.

Тинимсиз йўтал, иситма, қалтираш дорихонадан-дорихонага зир югуртирди. Хонадонларимиз зах тортиб, девор ва шифтлар могорлаб, сувоқларнинг кўчиб тушиши эса дард устига чипқон бўлди. Бизнинг бундай аянчли аҳволимиздан бохабар бўлган туман иссиқлик корхонаси мутасаддилари ваъда беришу “бор отангга, бор онангга”дан нари ўтмадилар.

Мен истиқомат қилаётган маҳалла Тошкент аэропортидан икки бекат берида жойлашган иссиқлик қозонидан бахраманд бўладиган энг охири манзил. Бу иншоот ўтган асрнинг олтинчи йилларида қурилган. Ўша пайтда иссиқлик қозони билан бизнинг маҳалламиз ўртасида асосан бир ва икки қаватли бинолар бўлган. 1966 йилги зилзиладан сўнг уларнинг ўрнига шиддат

билан юзлаб 4,9,12 қаватли бинолар қад кўтарди. Маҳалламизда ҳам тўрт юз оилага мўлжалланган иккита тўққиз ва йигирмага яқин тўрт қаватли турар-жой бинолари бунёд этилди. Буларнинг ёнида мактаб, болалар боғчалари, поликлиника, шунингдек бир қатор вазирлик ва идоралар ҳам бор. Иситиш қозони эса ўша-ўша — битта. Шу боис иссиқлик босими бизнинг маҳаллага сусайганча судралиб келади. Уйларимизнинг етарли даражадаги иссиқлик билан таъминланмаётганлиги ана шундан. Бундан яхши билган соҳа раҳбарлари узок йиллардан буён “мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида турли баҳоналар билан кун ўтказиб келишмоқда. Энг муҳими, ейилмаган сомсага пул тўлаттиришни унутмаяптилар. Минг афсуски, менинг ана шулар ҳақида ёзилган ва мазкур га-

(Давоми 6-саҳифада)



Мулоҳаза

ЛУҚМАМИЗ ҲАЛОЛ БЎЛСИН!

Ўйланиб қоламан: «Нега ҳамма ҳам шу номга муносиб бўлишга интилмайди?!». Айрим кишилар меҳнат қилиб, даромад орттиришдан кўра, пул топишнинг осон йўллари қидириб, охир-оқибат ноҳақ хатти-ҳаракатлар туфайли панжара ортига ўтиришгача бориб етишмоқда. Ўзгаларнинг ҳаққини еб, фалокатдан, касалхонадан боши чиқмайдиганлар қанча?

Энг ачинарли томони, катта ёшдагилар қилган хатолар жабрини беғуноҳ гўдаклар тортишга мажбур бўлишади.

– Азима опанинг ўғли жонлантириш бўлимида ётибди экан, ўтиб келайлик, – деб қолди дугонам. – Ҳар ҳолда, кўп йиллик кадрдонимиз, уят бўлади.

– Ййи, тунов куни кўрганимда туппа-тузук юрвдику! – дейман хайратланиб.

– Нима бўлибди?

– Э, сўраманг, дадасининг янги «Малибу»-сини миниб чиққан экан, дарахтга бориб урилиб, автоҳалокатга учрабди. Аҳволини оғир дейишяпти. Тадбиркор отаси «узум сезони»да олувди шу уловни.

– Унда ҳалол пулга келган эканку, нега бундай бўлдикина?!

(Давоми 3-саҳифада)

ЭНГ КАТТА МУАММО — ЎЗИМИЗДА



(Боши 1-саҳифада)

Ўтган асрнинг бошларида яшаб ижод этган жадидчилик намоёндалари теран англаган ҳолда жамиятни маънавий-маърифий ривожлантириш, халқни, айниқса, ёшларни илм-маърифатга етаклашни ўзларининг юксак мақсади қилиб белгилашган. Улар ёшлар тарбиясида диний ва дунёвий билимларни бир-бирдан ажратмасдан, миллий ўзликни сақлаган ҳолда замонавийликка эришишга ҳаракат қилишган. Айнан шу жиҳатдан қараганда Маҳмудхўжа Бехбудий халқни илм-маърифатли бўлишга чорлаб, замонавий хўжалик юритишда билим, фан билан қуролашиб фаоллик кўрсатишни талаб қилган ҳолда, “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур” деган ҳаққоний фикрлари билан халқни уйғотишга ҳаракат қилганини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Барчамизга маълумки, шахс маънавияти энг аввало оила муҳитида шаклланади. Бугун оилада қанақа муҳит ҳукмронлик қилаётган бўлса, эртага шу оилада тарбияланаётган фарзанд бевосита ана шу муҳитнинг давомчиси сифатида бунёд бўлади. Ўсиб келаётган ёш авлод онги ва тафаккурининг кучи шундаки, у айнан ёшлик даврида ён-атрофдан олган таассуротларини хотирасида сақлаб қолади. Оиладаги одоб-ахлоқ нормалари, ўзаро муносабат қанчалик юксак бўлса, у муҳитда

воёга етаётган фарзанд ҳам шунга монанд бўлади. Шу маънода биз оилани ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбия омили ва муҳити деб эътироф этишимиз мумкин. Миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига аввало оила муҳитида сингади. Бу жараён ота-боболар ўғити, она меҳри орқали амалга ошади.

Бугун биз интернет ва ижтимоий тармоқлар таъсирида яшаб келаётган авлод онгини миллий Жадидларимиз ғояси билан эмас, турли ахборий хуржлар таъсирида қолишни етарлича назорат қилолмаяпмиз. Ёшлар интернетга уланиб вақтини беҳуда сарфлаш, ҳеч бир фойдасиз суҳбатлар қуриш, “йигит ва қиз танишуви” билан овора бўлиб умрини, кимматли вақтини ҳавога совуришмоқда. Вақтни исроф қилиш эса гуноҳдир. Маълумотларга кўра, интернет орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг 49 фоизи сезиларли даражада зўравонлик ва ёвузлик кўринишига эга, 41 фоизи жангари (турли отишмалар ва портлашларга асосланган) ўйинларда эса ўйин қахрамони ўз мақсадига етишиш учун шундай зўравонлик ва ёвузлик содир этади. 17 фоиз ўйинларда ана шу зўравонлик ва ёвузликнинг ўзи бош мақсад ҳисобланади. Турли жанговар, менталитетимизга мос бўлмаган, баъзан қахрамонлик ваҳшийликка ўтиб кетадиган бу каби ўйинлар фарзандларимиз ахлокий-эстетик тарбиясига тўғри таъсир кўрсата олади, дея олмаймиз. Бир қарашда улар оддий ўйиндек кўрингани билан зўравонлик ғоялари, ёвузлик кайфиятини уйғотиши хусусида ҳаётини мисоллар кўп.

Ёшлар онгига кучли таъсир этувчи ахборотлар, ёт ғояларни, ғарб ҳаёт тар-

зига хос, ўзбек менталитетига зид одатлар ва кўникмаларни тарғиб этадиган, ғарб ёшларининг кийиниши, одатларини тарғиб қилувчи мақолалар, клиплар, фильмларда яққол намоён бўлади.

Юқорида келтирилган ғоялардан ёшларимизни ҳимоя қилиш бўйича қилишимиз керак бўлган энг асосий ишларимиздан бири бу миллий контентни яратиш. Фарзандларимиз онгини болалигидан бошлаб тўғри шакллантириш уларни буюк боболаримиз мероси билан тарбиялаш, қолаверса, уларга кўпроқ тарихни ўргатишимиз мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича турли марафон ва интеллектуал тадбирлар сонини кўпайтириб боришимиз лозим.

Хусусан, сўнгги йиллар мобайнида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Википедиянинг ўзбекча талқини ривожлантириш учун энг яхши энциклопедистлар ўртасида Викимарафон танлови эълон қилинди. Википедияда ўзбек тилидаги мақолалар сонини 100 мингга етказиш ва хорижий тилларда ҳам Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни жойлаштиришга муносиб ҳисса қўшган ёшларимизни рағбатлантириш учун 10 млрд сўм ажратилди. Айнан шундай тадбирларга, билимли ва шижоатли волонтер ёшларни жалб қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини тизимли равишда рағбатлантириб бориш ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ва самарали ўтказишлари учун хизмат қилади.

Бундан ташқари ёшларимиз кўз олдига Буюк Жадидчиларимиз портретини гавдалантиришимиз учун кўпроқ санъат ва маданият соҳаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Инсон онгига саҳна ёки бирор бир вазиятни кўрсатиб бериш орқали таъсир қилиш кучи самаралироқ бўлади.

Тарихдан бизгача маълум ва машҳур бўлган Амир Темур, Жалолоддин Мангуберди, Бобур Мирзо каби туркий халқ қахрамонларини мультфильм кўринишида жажжи болажонларимизга кичиклигидан сингдириб боришимиз мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганимизда, биз бугун бирлашишимиз керак. Ота-оналар, маҳалла ва оила жамияти, мактабгача таълим ва халқ таълими тизими бирлашган ҳолда бу муаммоларни барта-раф этишимиз лозим. Бунда асосий масъулият ота-онага юклатилади. Аксарият ҳолда 4-5 нафар фарзандни дунёга келтириб уларни шахс сифатида камол топиши масаласига беъэтибор ота-оналар сони кўпайиб бормоқда.

Кузатувларимизга асосланиб шуни айтаманки, бугун мактабларда таълим сифати тушиб кетган ва бунинг сабаби албатта ота-оналар билан боғлиқдир. Чунки фарзанд дарсга бормасдан пул топишни, онасига рўзғор ишларида ёрдам беришни кўпроқ ўйлашни бошлади. Кўчаларда, турли савдо дўконлари ёнида (намлантирувчи салфетка ва бошқа пуллик хизматларни таклиф қилиб) пул ишлаб топиш, ота-онасига ёрдам бериши унинг фарзандлик бурчи деб ўйлайди. Аслида эса фарзанд ўз вақтида тўғри таълим ва тарбия олиши унинг энг асосий мақсади бўлиши кераклигини тушунмайди. Буни тушунтириш учун ота-оналар ҳам ҳаракат қилмайди. Яқинда бир танишим билан гаплашиб қолдим. 9-синфда ўқийдиган ўғли Ўрикзор бозорида атир сотадиган дўконга сотувчи бўлиб ишга кирибди ва у бундан хурсанд. Буни эшитиб мактаби, ўқиши нима бўлади, деб сўрадим. У менга қараб, “Ўқиб олим бўлармиди? Ўғил бола ишлаб пул топиши керак” деди. Шунда тушундимки, энг катта муаммо бу ўзимизда экан! Биз жамиятни ўзгартириш ҳақида гапирамиз, аввало ўзимизни ўзгартиришимиз керак. Шундан кейин жамият ҳам ўзгаришни бошлайди.

Оиша ЗАКИРОВА,
ЎЗЖОКУ, Интернет журналистика
ва медрежамент факультети
декани



Ол-а?!

“АКАСИГА ТОР ШИМ, СИНГПИСИГА КАПТА ЮБКА, ЎЛГАН БУВИСИГА ЯНГИ КАФАНЛИК...”

Самарқанд вилояти ҳокимининг сайёр қабулини қузатар эканман, беихтиёр Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримовнинг совчи образига шу гаплари ёдимга тушди.

Сабаби, қабулда ҳокимдан сўралмаган нарсанинг ўзи қолмади. Ҳа, унда инсофдан бўлак ҳамма нарса сўралди. Ҳатто, туғилмаган фарзанд учун бешик ҳам.

Мурожаатлардан бири:

– Ҳамшира бўлиб ишга кирмоқчи эдим, пул талаб қилишяпти, – салом-алиқдан сўнг бирдан мақсадга кўчи фуқаро.

– Шикоят ёзинг, кўриб чиқишади. Лекин буйрук бериб ҳамшираликка жойлаштира олмайман.

– Собик эримдан уч йилдан бери алимент пуллари ундира олмаяпман, – кейинги масалага ўтди у.

Мажбурий ижро бюроси масъулларига ҳолатни ўрганиб, алимент пуллари ундириб бериш топшириғи берилди.

– Кредитимни ёпишда ёрдам беринг. Дадам ҳам

инсулт бўлган, унга қарашиш керак...

– Агар тўхтамасангиз, мен ҳам инсулт бўламан, – деди ҳоким. – Инсоф дегани борми, барака топкур?

Яна бир фуқаро қабулга ногиронлар аравачасидаги отаси билан келган. Отаҳон ҳам кичигидан бошлаб, кейин мақсадини айтди. Оз эмас, кўп эмас, ҳокимдан ўғли учун биттагина “Cobalt” олишда ёрдам беришни сўради. «Мени олиб юради шу машинада», дейди у. Беихтиёр кўзим унинг ортида турган “бечора” ўғилга тушди. Мендан ҳам бақувват экан, деб юбордим. Шу одам уялмай ногирон отасини “байроқ” қилиб келибди. Машинали бўлиб қоламан, деб ўйлагандир–да.

Бу мурожаатни ҳазм қилиб улгурмасимдан янгиси жаранглади: «Ҳомиладорман, яшаш шароитим оғирроқ, туғилажак боламга қоляска ва кровать олиб берсангиз...».

Ҳоким сўрайди: “Сенга қарашадиган эр йўқми?”.

– Эрим бор. Ҳокимият ҳам ёрдам бериши керак-ку.

Қабулда ноқонуний қурилишини қонунийлаштириб бериш, кредитини тўлаб бериш, суд қарорини бекор қилишни сўраганлар ҳам бўлди. Ҳар сайёр қабулда кўриниш берадиган “доимий” мурожаатчилар

ҳокимга “Мени танидингизми?”, деб киноя қилишдан–да уялмади. Аммо бу сафар уларнинг режаси амалга ошмади. Ҳоким қаттиққўл бўлди, боқиманда-ларга қисқа ва лўнда қилиб, “Биз сизга ёрдам беролмаймиз”, дея жавоб қайтарди.

Бу билан тадбирда долзарб мурожаатлар бўлмади, демокчи эмасмиз. Масалан, Нурободнинг Тим қишлоғидан келган фуқаро маҳалласининг 5 километр ички кўчасини асфальт қилиб беришни сўради. Ҳоким масъулларга мазкур мурожаатни бир ҳафта ичида ижобий ҳал қилиш топшириғини берди. Яна кимдир маҳалласи учун хусусий боғча очганини, аммо ишни бошлашига айрим бюрократик тўсиқлар йўл қўймаётганини билдирди. Мазкур муаммо ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўрганиб чиқилиб, қисқа муддатда ечилиши айтилди.

Қабулда ҳокимдан бола асраб олишда ҳуқуқий ёрдам беришни сўраган ҳам бўлди. Буни қаранг-а, кимдир тирноқка зор, бошқалар эса хали туғилмаган фарзандини ўртага қўйиб, ҳокимдан ниманидир тама қилади.

Хуллас, қабулда мурожаатлар инсонларимиз сингари хилма-хил бўлди.

(Боши 1-саҳифада)

– «Харом лукма – томоқ йиртади», деб бежизга айтишмас экан-да, – давом этди дугона. Бир куни Азима опа: «Куйиб кетдим, эримнинг охирини ўйламай иш қилишидан, кўркмасдан ишчиларининг ҳақидан уриб қолади, икки минглик нарсага беш юз сўм бериб, сотиб олади. Шунча инсофга чақирсам ҳам парво қилмайди: «Кўрнамаклик қилма!» дейди. Ҳар дардим ичимда. Катта қизимнинг боласи ногирон туғилди, иккинчиси тирноққа зор бўлиб, уйимга қайтиб келиб ўтирибди, эри уйланиб кетди. Ҳаммаси – текинхўрлигимиздан» деганди.

Бир маҳалладошининг айтишича: Бўрон ака ўтган йили ҳам деҳқонларнинг маҳсулотини пастга уриб, килосини уч мингдан олиб, савдогарларга ўн мингдан сотган экан. Бундан хабар топган кўпчилик ижарачилар норози бўлиб: «Илоҳим, бизнинг ҳаққимиз тешиб чиқсин, қилган меҳнатимизга рози эмасмиз», деб қарғашган экан. Айниқса, бир бева аёл: «Оёғимни операция қилдиришим керак, инсоф қилинг», деб ялиниб-ёлворганига қарамай, пинагини ҳам бузмаган экан. Мана касри жондек дилбандига урибди, афсус...

Юрагимга жуда ўткир тиг санчилди...

Ҳаётимиз давомида шунга ўхшаш воқеаларни кўп марталаб эшитганмиз ёки гувоҳи, баъзан иштирокчиси бўлганмиз.

«Кўчадан қозиқ топиб олиб, уйга келсам, молим чўзилиб ётибди, билдимки, бировнинг нарсаи бошқага юкмас экан. Шундан бери кўчада пул кўрсам ҳам олмайман», деганди тоғамнинг хотини. Бу гапни болалигимда эшитган бўлсам-да ҳамон кулоқларим остида жаранглаб туради.

Бир оилани биламан: пишиқчилик мавсуми бошланди дегунча, ота-она болаларига «Фалончининг олмаси қизарибди», «Пистончининг даласи тўла маккажўхори», «Ҳамсояннинг гилоси ширага энибди» ёки «Сизлар қишда ёнғоқ емайсизларми?» деб шипшитади. Ўғил-қизлари ҳам бу ҳолатга ўрганиб қолишди, ўтганининг ўроғини, кетганининг кетмонини олиб улғайишди. Оқибати эса аён: дарахта чиқиб бирининг қўли синса, иккинчисини кенг дала бағрида дайди ит тишлайди.

Учинчисининг эса қандай касалликка чалинганини шифокорлар аниқлолмай хайрон. Аммо оила бекасининг вақти фолбин-у қушночга қатнаш билан ўтади: «Кимдир бизни кўролмайди, илм-у амал қилиб, ҳовлимга ташлабди. Уйимни «тозалатиш»га миллионлаб пулим кетяпти» дея, ёзғиргани ёзғирган. Бироқ бундай нохушликларнинг бариси ўзгаларнинг ризқига хиёнат қилиш орқасидан юз бераётганлиги хусусида мушоҳада юритиб кўрмайдим. Ўзингизга яқин тутиб, фарзандларини ножўя йўлга бошлаётгани шипшитсангиз, нақ балога қоласиз. «Кичиклигидан ҳақини айириб ўргансин, оғзини очиб юрса, ким бир сўм беради?!», деган жавобни оласиз. Ундайларга Яратганнинг ўзи инсоф берсин!

Зурриёдларимизга гўдаклигиданок ҳалол ва ҳаромнинг фарқи боришни англаиб борсак, келажакда уларни дуч келиши мумкин бўлган кўпгина кўнгилсизликлардан муҳофаза қилган бўламиз. Ҳалол лукмага не етсин! Шундай эмасми?

ҚИЗЛАР КЕЛИНЛАРНИНГ КИЙИМИНИ КИЙИШИ ШАРТМИ?

– Неварам қўшнимнинг янги келинининг кийимини яширинча олиб келиб, байрамига кийибди, – ёзғириб қолди бекатдаги етмиш ёшлардаги онахон ҳамроҳига.

– Нима қилибди опа, – деди нариги аёл. – Кийса кийибдида!

– Нега тушунмайсиз, уларнинг авлодида оқи бор!

– Ие, бу нима деганингиз?

– Мавжуданинг «Ўғлининг қўлида, келинининг оёғида бор», деб эшитганман. Соғ қиз мохови бор болага тегмайдику!

– Ундай деманг-э, уям ўзи шундай бўлай, дебдими? Кучли кўрқидан пайдо бўлган улар.

– Э нима десангиз денг, қизимга касали юкса мен у келинчакниям, «Адрас куйлак-лозимда келинлар», деган ўқитувчилариниям тинч қўймайман!

– Вой хола, қизингизга яхшилик қилиб балога қолишдими, бояқишлар. Яхши эмас. Ўқитувчилариям мажбурлашмагандир, «Айнан бировдан олиб кийиб келинлар», деб.

– Энди пули бор ота-оналар қизларига мато сотиб олиб, тиктириб беришяпти. Аммо ҳамманинг ҳам чўнтаги бир хил эмасда! Бизга ўхшаган серфарзанд оилалар битта боласининг эғнига кийим олиб берса, оёғига тополмайди. Имкониятимиз чекланган. Бунинг устига битта тадбирни, деб фалон минг сўм ёки икки юз, уч юз долларга келин сарпо сотиб ололмаймиз. Шу мактаблардаги байрамларни формада ўтказишса, биров уришадими-а? Қизларнинг бу кийимларни уялмасдан кийишини кўриб мен уялиб кетаман...

Бировнинг гапини пойлаш нотўғри. Аммо беҳосдан аёлларнинг суҳбатининг гувоҳи бўлиб қолдим. Касбим тақозосиданми, нарироққаям кетолмадим. Қизик, негандир шу чоккача бу мавзуга эътибор бермаган эканман.

Мактабларнинг юқори синф ўқувчи қизлари «Навоийхонлик», «Бобурхонлик» кечалари, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз байрамларига бағишланган тадбирларни ҳақиқатдан келинчакларнинг либосларини кийиб ўтказишяпти. Нега? Мактаб формасида тадбир ўтказиб бўлмайдими? Ўша кийим қайсидир янги келинники эканлигини ҳамма биладику! Тахририятимизга келган тадбир суратлари ҳам буни исботлаб турибди. Аммо уларни илова қилиб, қизларнинг юзини кўрсатишни истамадик. Онахоннинг гапларига қараганда соҳа ходимлари масалага жиддий ёндашиши лозимга ўхшайди... Уйларим охирига етмасдан телефони-миз жиринглаб қолди. Салом аликдан сўнг:

– Мен янги шаҳарчаданман, кимлигимни айтишим шарт эмас, – деди нариги томондан келган овоз. – Бир масалада кўнғирок қилаётувдим.

– Хўп опажон, сизни эшитамиз.

– Сизлар доимий равишда мактабларда бўлган тадбирларни ёритасизлару, муаммоли томонини безътибор қолдирасизлар.

– Қайси томонини? – кизиқишим ортиб, вужудим кулоққа айланди.

– Мактаб ўқувчиларига бировнинг, айниқса,

янги келинларнинг кийимини кийишни ким чиқарган? Сизлар эса уларни мактаб, газета-ю интернетда ёритасизлар! Гигиена деган гаплар бор, болам. Шунақа тадбирлар сабаб кеч келинимни отасиникига жўнатвордим, – деди аёл жиғибийрон бўлиб.

– Нега?

– Мендан сўрамасдан ўзи бирор марта ҳам киймаган либосини жиянига бериб юборибди. Гули ролини ўйнаётганмиш. Овсинимникида чарлар эди, боролмадик.

– Шуям гапми хола, арзимас сабабни деб янги келинчакниям ҳайдайсизми? Келинларнинг кийими саноқсиз бўладику! Бошқасини кийиб кетаверсинда!

– Айнан чарлар учун тиктирган «Ансамбль»ни бериб юборган. Кўряпсизку, ҳозир келинлар чақирдиларда уч-тўрт марта кийим алмаштириб чиқяпти. Мениям дўсту душманам бор. Жияни мактабда кийиб чопиб, шилғит қилган

кийимни кийдирмайман! Акаси худди шундай янгисини тиктириб бермагунча ҳовлига киритмайман келинимни.

– Ўғлингизнинг уйи бузилишига шу сабаб бўла оладими, кўпни кўрган аёлга ўхшайсиз, хола?!


Мактабларнинг юқори синф ўқувчи қизлари «Навоийхонлик», «Бобурхонлик» кечалари, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз байрамларига бағишланган тадбирларни ҳақиқатдан келинчакларнинг либосларини кийиб ўтказишяпти. Нега? Мактаб формасида тадбир ўтказиб бўлмайдими?

– Сиз шундай дейсизда. Шу мактаблардаги тадбирларда кийилаётган шохона кийимлар сабаб нечта оиланинг тинчи йўқолганини эшитганман. учта келин туширдим, хар йили шу аҳвол. Февраль келиши билан катта синфлар қизлари ғимирлаб қолади. Бири тилла кош ахтариб келса, сал ўтмай иккинчиси зар чопон сўраб келади. «Корона»га келган учинчисини қувиб соламан. Малол келадида, одамга. Шўрлик ота-она ўзи киймай қизи, келинининг сарпоси учун озмунча пул сарфлайдими? Кимга керак бунақа ишлар? Вақти келса қияди хар бир қиз шу либосларни! Бировнинг кийимини кийишни тиббиёт ҳам қоралайди. Мумкин эмас. Гапим нотўғри бўлса айтинг. Бир ютубда видеомурожаат қилиб чиқай дедим, яна қаерларни ўйладимда, синглим. Аввал сизлар билан маслаҳатлашай, натижаси бўлмаса, бошқача йўл тутаман...

Ҳақиқат кўзи билан қараганда, аёлнинг гапларида жон бор эди. Бундай ҳолат одоб-ахлоқ меъёрлари ёки гигиеник жиҳатдан ҳам тўғри эмас. Бу – нафақат бизнинг туманимизда, балки вилоят, республика миқёсида ҳам ўйлаб кўриладиган мунозарали муаммога ўхшайди.

Дилрабо КАМОЛОВА,
журналист





Шеъринг тахтининг икки султони

Мухташам XV аср туркий тафаккурнинг икки даҳосини кетма-кет майдонга қўйди: Алишер Навоий ва Заҳириддин Мухаммад Бобур.

Иккисиям мутафаккир ва шоир. Иккисиям кўп қиррали истеъдод ва фаолият соҳиби. Темурийлар салтанатининг икки буюк арбоби – бири шоҳ, бири вазири аъзам.

Қисмат икки сиймода бир тақдирни такрорлагандай:

Алишер ҳам, Заҳириддин Мухаммад ҳам ёшлиқда отадан етим қолиб, тож-тахт низолари авж олган таҳликали муҳитларда яшаб ўтдилар. Хиёнат, мунофиқлик, қатл ва бемаҳал ўлимлар, азиз инсонлардан айрилиқда яшаш уларнинг шоир қалбига бот-бот ўзининг аччиқ аламларини солиб турди. Кези келдики, нотавон кимсалар унисининг ҳам, бунисининг ҳам емиш таомига захар қўшдилар.

Заҳириддин Бобур сиймоси бизнинг тасаввуримизда ҳамшиша Ватан хижрони ила вобаста гавдаланади. У Ҳинд сори юзланиб, юртига қайта олмай, сўнг нафаси қадар Андижон соғинчида яшади ва дийдор орзусини ўзи билан бирга олиб кетди. Баъзан ҳазрат Навоийнинг “Ғурбатта ғариб шодмон бўлмас эмиш”и ва мана бу рубойиси ҳам Бобур учун, Бобур тилидан ёзилган каби туюлади менга:

Ўлсам, ясаманг мунда
мозоримни менинг,
Юклар элитинг жисми
фигоримни менинг.
Ўтру чиқариб аҳли
диёримни менинг,
Кўйида кўюнг танни
низоримни менинг.

Дарвоқе, бу изтироб ҳазрат Навоийга ҳам бегона бўлмади. Бобур мирзо сўзлари билан айтганда, “ихроҷ”, яъни сургун мазмунига эга бўлган Самарқанд ва Астрободдаги истикомат Навоий томонидан Ватан ғурбати, ададсиз мусибат ўларок қабул қилинди.

Ҳагто йўқсиллик ва ноҳақлик, адолатсизлик, ҳақсизлик сингари ижтимоий кулфатлар-да бири шаҳаншоҳи замон, бири вазири кабир бўлган бу икки мухтарам инсон қисматини четлаб ўтмади. Шу қаро кечмишлар хусусда ўйлаганда: “Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган, Осойиши кам кўрган, мендек яна бир борму?”, “Қай сориға юзлансам ўтрумға келур қайғу...” сингари мисралар Навоийга мансубмиди, Бобургами?” деб ўйлаб қоласан киши...

Шунисиям борки, энг юксак мартабаларнинг, беҳадду беҳисоб бойликларнинг соҳиби эсалар-да, мансаб ва мол-мулкка меҳру рағбат уларга буткул бегона эди – иккиси ҳам ҳамшиша руҳан дарвешона хурриятни соғиниб яшадилар. Шу вайхдан бўлса керак, Навоий уч бора ҳам давлат хизматидан ўз ихтиёри ила кетди. Мирзо Бобур кўзи очиклигида тахтни ўғли Ҳумоюнга топшириб, дунё ҳукмдорлиги солномасини нодир саҳифа ила бевади. Уларнинг шиорлари шундай эди:

... фақр мулкин тут ганимат зинҳор
Ким, гинову салтанатнинг кўп эрур
дарди сари.

(Алишер НАВОИЙ.)

Ҳазрат Навоий тоқ яшаб ўтгани,

шоирнинг умр маҳрами ёлғизлик бўлгани ҳаммамизга маълум. Шоҳ Бобур эса оила қурдилар, оталик шарафига муяссар бўлдилар. Аммо... улар ҳам ҳазрат Навоий сингари кўнгул мулкида, ўзлари кўтарилган руҳий юксакликда ёлғиз, қалбан ёлғиз эдилар! “Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим, кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим” (Заҳириддин Бобур) қабилдаги сўзона байтларнинг сирру асрори мана шунда.

Ҳар икковларида ҳам Сўзнинг кучи Амал ила собит эди.

Яна бир қизик ҳолки, улар икковлариям бу дунёда қанча яшашларини башорат қилган каби. Ҳазрат Навоий инсон умрини фаслларга бўлиб, унинг ҳаддини 60 ёш деб белгиладилар. Дарвоқе, ўзлари ҳам айнан 60 ёшда бу фоний ҳаётни тарк этдилар.

Заҳириддин Бобур бир ғазалида:

Ўтти эл бўлмақдин ул ёш,
мен қаригум ишқиди,
Ўлганим яхши бу навъ ар ўтса
элликдин ёшим, -

деб ёзади ва, ажабки, 47ёшда унинг ҳам умр йўли жун топади.

Ҳа, бу икки тақдир такрор каби эди. Аммо бу – такрор садафидидаги бетакрорлик дурри эди. Табиат Навоий ва Бобур сиймосида зўр жозиб кучга эга бўлган беназир икки шахс ва руҳиятни яратди.

“Бобурнома”да Алишер Навоий таърифида “Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдир...” дейлади. Албатта-да. Шоир киши, ахир! Табъи ва кўнгли ниҳоятда нозик бўлган шундай бир кишининг ўлим ваҳмидан заррача кўркмай, қилич кўтариб саф олдида бориши эса ғаройиб бир ҳолдир!

Зайниддин Восифийнинг “Бадойеъ ул-вақоъеъ” китобида ҳикоя қилинишича, ҳали ёш пайтида Ҳусайн Бойқаро не бир сабаб ила пойтахтдан ташқарига чиқадию, Ёдгор Мухаммад тахтни эгаллайди. Ҳиротга қайтган Бойқаро саройга киролмайди. Аҳлар маслаҳатлашиб, исёнкорга эрта тонгда ҳужум қилмоққа келишадилар. Саройга биринчи бўлиб ким киради? Кутиб турган ажалга ким биринчи рўпара бўлади? – ана шундай таҳликали вазиятда ҳазрат Алишер Навоий қўлларига қилич олиб, сафнинг ол-

дига тушадилар ва ҳужумни бошлайдилар. Тангри таолонинг инояти ила ғалаба шу куни Султон Ҳусайнга насиб этади... Бу ҳикоят – қалби ниҳоят даражада нозик бўлган шоирнинг на аскарни, на ажални писанд қилар даражада кўркмас ва жасур, диловар шахс эканининг очик мисолидир. Фақат бугина эмас. Ҳазрат Навоий Шарқона ҳукмдорлик муҳитида ҳақиқатни айтиш баъзан инсон ҳаёти баҳосига тенг бўлишлигини била туриб-да, қуйидаги сингари байтларни битганларки, бу ҳам бор бўй-басти ила шоён жасоратдир:

Шоҳнинг мунглуғ мушаввашилар
била не нисбати,
Комронларнинг балокашларга
қайдин улфати.
Улки қаҳр этса, қиличидин
дамо-дам қон томар,
Бағридин қон томгучилар
бирла не жинсияти.
* * *

Шаҳ синаҳ чекса, фақир
аҳволига етмас футур,
Бу вале чеккач нафас,
барбод ўлур ҳашимат анга.

Мирзо Бобур ҳам мард ва жасур, матонатли, баҳодир киши бўлган. Тарихчилар унинг 200 кишилик отряди билан Шайбонийхон ҳамда 15 минг аскар жойлашиб олган қалъага ҳужум қилгани ва уларни ҳайдаб юборганини ёзиб қолдиришган. Яна бир мисол: у сарсон-сарсаргардонлик кунларининг бирида дарё музини ёради ва шу сувга шўнғиб, ювинади. 12 минг аскар билан 100 минг кишилик Иброҳим Лўдига қарши майдонга тушган ва уни тор-мор қилган ҳам ана шу диловар Бобурдир!

Арслон юракли, метин иродали Бобурнинг ниҳоятда кўнгли нозик, шикастадил бир инсон бўлганлиги ҳам ҳақиқатдир. Сафдоши, биродари Нўён кўкалдош хийла билан ўлдирилган кунлари “Бир ҳафта, ўн кунгача ҳамшиша йиглардим...” деб ўзи ёзиб қолдирмаганда, бундай маълумотни ўрта аср тарихчисининг шарқона лутфи деб ўйлаш мумкин эди. Юртидан келтирилган қовунни тановул қила туриб аччиқ кўз ёш тўккан ҳам шу – буюк ҳукмдор Бобур эди. У ҳам ўзига етганча мизожи нозик эди:

Улфатим эл бирла оздур,
кўндур эл жаври манга,
Не менинг таврим ёқар элга,
не эл таври манга.
Алишер Навоий ва
Заҳириддин Мухаммад Бобур.
Бири шоҳ, бири вазири аъзам.
Жасурлик ва таъбинозиклик
бирида яширин, бирида ошкор.

Ижодда ҳам худди шундай ҳол. Мавзуда, услубда, ифодада Бобур-

нинг Навоийга издошлиги очик-ёркин кўринади. Бу бир қатор жиддий илмий тадқиқотларда очиб берилган. Аммо чуқурроқ қарасак, мутлақо бошқа манзара намоён.

Алишер Навоий туркий шеъринг тажрибаларини такомиллаштириб, адабий қанон – қатъий қоидалар даражасига кўтарди. Заҳириддин Бобурда эса чекловларга сиғмаслик, уларни бузишга мойиллик кўринишидаги сарбастлик сезилиб туради. Биргина мисол: Атоий байтини “қофиясида айбғинаси бор” дея танқид қилган Навоий бир хил туркумдаги сўзларни қофиялашдан иборат араб-форс назариясини қатъий талабга айлантди. Бобур эса дадиллик билан “ғурбатта”ни – “албатта”га; “пайғомин”ни – “зомин”га; “жондин”ни – “қилғондин”га; “туфроғим”ни – “ёлбормоғим”га қофия қилади.

Алишер Навоий олдида туркий тил имкониятларини очиш ва туркий адабиётнинг юксаклигини исботлаш вазифаси бор эди. Шу сабабдан Навоийда лексика ҳам, синтаксис ҳам мураккаб ва ҳашаматли. Мавзу ва ғоя талқини мажоз пардаларига қаттиқ ўралган. Зукко олим Ёқубжон Исоқов бу услубни “олий навоиёна услуб” деб атайди.

Адабиётни кўпроқ кўнгул маҳрами, сирдоши, ёлғизликдаги суҳбатдош деб билган Бобур эса ифода ва услубда анча содда. Қомусий илм соҳиби сифатида Навоийдан ҳеч бир қолишмаган Бобур шеърларидан, хусусан, “Бобурнома”дан кундалик турмушнинг, оддий инсоний қайғу-дардларнинг ошно нафаси уфуриб туради. Устозлардан бири андак мутойиба аралаш лутф қилганлари каби, Навоий туркий тилни келинчак сингари ясангириб чиққан бўлса, Бобур шу келинчакнинг қўлига супурги тутқазди.

Навоий “Мезон ул-авзон”да аруз тизимининг амалда қўлланган вазнларини умумлаштирган бўлса, Бобур “Мухтасар”да имконият ҳолида турган, қўл урилмаган вазнларни ҳам кўрсатиб ўтди...

Алишер Навоий ва
Заҳириддин Мухаммад Бобур.
Бири шоҳ, бири вазири аъзам.

“Нисбат йўқ деб ҳеч ижтиноб айла”мангким, Ҳазрат Навоий – сўз мулкининг султони, Мавлоно Бобур – вазири аъзамдирлар. Ва яна буқим, тақдир тақозоси ила улар бир маконда, бир замонда яшаганларида, “Бобурнома”дай мисли кўрилмаган ростгўй ва жозибали, тозарух асар учун ҳазрат Навоий Мирзо Бобурни ўзларининг оппоқ отларига ўтказтирган ва жиловдорлик қилган бўлардилар. Шак-шубҳасиз.

Надира АҲОҚОВА

Асосий мақсад — умумфаровонлик

Бутунжаҳон ижтимоий адолат куни (World day of Social Justice) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2009 йил 20 февралда эълон қилинган ва ҳар йилнинг айнан шу санасида кўп давлатларда нишонланади. Ушбу халқаро санада, инсоният қашшоқликни тугатиш, одамларни тўлиқ бандлик ва муносиб меҳнат билан таъминлаш, жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар, хусусан, эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни таъминлаш, шунингдек, барча учун ижтимоий фаровонлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришга эътибор қаратиши керак. Чунки ижтимоий адолат мамлакатлар ичида ҳам, халқаро миқёсда ҳам тинч ва фаровон яшашнинг асосий тамойилидир.

1995 йилда Даниянинг Копенгаген шаҳрида Ижтимоий ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммити бўлиб ўтди. Саммит якунида Копенгаген декларацияси ва Ҳаракат дастури қабул қилинди. 100 дан ортиқ сиёсий етакчилар қатнашган саммитда қашшоқликни юмшатиш, тўлиқ бандлик йўлида ҳаракат қилиш ҳамда барқарор, хавфсиз ва адолатли жамиятлар яратишни ҳамкорлик дастурларининг марказига қўйишга келишилди. Бутунжаҳон ижтимоий адолат кунининг пайдо бўлиш пайдевори айнан ушбу саммитга бориб тақалади. 2005 йилда Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар Ижтимоий ривожланиш комиссиясининг сессиясида Копенгаген декларацияси ва Ҳаракат дастурини кўриб чиқдилар. Икки йил ўтиб, 2007 йил 26 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 62 сессияда келаётган 20 феврални Бутунжаҳон ижтимоий адолат куни сифатида нишонланишини эълон қилди.

Мамлакатимизда ушбу сананинг аҳамияти давлат ва ёшлар, ижтимоий шериклар, фуқаролик жамияти, БМТ-нинг ихтисослашган ташкилотлари ва бошқа манфаатдор томонлар билан қашшоқлик, гендер тенгсизлик, ишсизлик инсон ҳуқуқларига ҳурматсизлик ва ижтимоий бефарқлик каби долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида Янги Ўзбекистонни «ижтимоий давлат» тамойили асосида қуриш мақсад қилинаётгани, ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш эканлигини таъкидлаган эди. Ижтимоий давлат деганда, ижтимоий соҳага устуворлик қаратиладиган, фуқароларнинг тенглиги, уларнинг турли табақаларга ажралошига йўл қўймайдиган, умумфаровонлик таъминланган жамият тушунилади.

Янги тахрирдаги Конституцияда «Ижтимоий» сўзи 42 марта, «Адолат» сўзи 7 марта, «Ижтимоий адолат» сўзи 3 марта қўлланган. Конституциямизнинг муқаддимасида Ўзбекистон ижтимоий адолат тамойилларига содиқлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатли эканлиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Бош қомусимизнинг 14-моддасида «Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адо-

лат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади» дейилган. Ушбу моддаларда эътибор қаратилган ижтимоий давлат ва ижтимоий адолат тушунчалари бугунги кунда жамиятимизнинг ҳаётида бевосита ўз аксини топмоқда. Хусусан, юртимизда ижтимоий адолатни илгари суриш, ижтимоий ҳимояга муҳтож турли гуруҳлар, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳаётга мослаштириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий реабилитация қилиш, меҳнатқашлар ҳуқуқини таъминлаш ва ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ислохотлар халқаро стандартлар билан ҳамоханг тарзда амалга оширилмоқда.

«Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қучга кириши «Ижтимоий давлат» қуриш йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида эътироф этилди. Ушбу қонунга қўра:

- Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгорда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга шахсга нисбатан:

- мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш;

- мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасдан шикаст етказиш;

- уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиш қўйиш, мазкур ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, БХМнинг 20 бараваридан 30 бараваригача жарима ёки 160 соатдан 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Қучли ижтимоий давлатларда ижтимоий адолат тамойилининг негизида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни камситмаслик ва уларга жамиятнинг бошқа қатламлари билан тенг имкониятлар яратиш ғояси ётади. Ўзбекистон Республикаси 2021 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди. Шу тариқа мамлакатимизда ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси янада мустаҳкамланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан 2023 йилнинг июль ойида ушбу конвенция қоида-

ларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг даслабки миллий ҳисоботи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли қўмитасига юборилди.

Янги тахрирдаги Конституцияда эълон қилинган ижтимоий давлат тамойилларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини тубдан ошириш мақсадида 2023 йилнинг 1 июнь санасидаги «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳозирда 6 та вазирликда (Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Соғлиқни сақлаш, Мактабгача ва мактаб таълими, Иқтисодиёт ва молия, Ички ишлар, Олий таълим, фан ва инновациялар) тарқоқ бўлган ижтимоий хизматларни босқичма-босқич бирлаштиради. Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва уни амалга оширади. Бугунги кунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг улуши бутун меҳнат жамоасининг салмоқли қисмини ташкил қилмоқда.

2024 йил 1 январь ҳолатига қўра, агентликнинг республика ташкилотлари, ҳудудий бўлинмалари ва тиббий-ижтимоий муассасаларида фаолият юритаётган ногиронлиги бўлган ходимлар сони – 294 нафарни ташкил этади. Шулардан 108 нафари аёл кишилардир. Шунингдек, ҳудудлардаги «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларида 219 нафар ногиронлиги бўлган ходимлар фаолият олиб бормоқда. Шулардан 66 нафари аёл кишилардир.

«Ижтимоий давлат» қуришининг энг асосий шарти жамиятдаги турли гуруҳлар ўртасида ижтимоий адолатни таъминлаш, инсоннинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублигидан қатъи назар, адолатли меҳнат шароити ва фаровон турмуш тарзини кафолатлаш эканлигини ҳисобга олсак, ҳали олдимизда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўп. Яқинда эълон қилинган «Ўзбекистон-2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида жами 30 дан ортиқ саъй-ҳаракатлар айнан ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Нодирбек СУЛТОНОВ
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази мутахассиси

Бир киши ҳамма учун...

Самарқанд туманида истиқомат қилувчи фуқаролардан бири бел оғритмай пул топишнинг “зўр” усулини ўйлаб топди. Уйдан чиқиш шарт эмас, шунчаки хонадондаги фойдаланилмаётган иссиқхонани хўрозлар жанги учун “арена”га айлантирса кифоя. Шундай бўлди ҳам. Ўз уйда яширин қиморхона ташкил этган фуқаро ҳар бир томошабиндан “билет” учун 50 минг сўм, хўроз “тренер”ларидан жангга тикилган сумманинг 10 фоизи миқдоридан улуш ола бошлади. Чўнтак тўла пул, ошиғим олчи деб ўйлагандир у. Фақат...



– Иш куним одатдагидек, маҳалламдаги нотинч хонадонларни айланиб, фуқароларнинг кайфиятини ўрганишдан бошланди, – дейди Пулимўғоб маҳалласи профилактика қатта инспектори Мунис Алиматов. – Бизга кўшни бўлган Ражабамин маҳалласи профилактика инспектори кўнғироқ қилиб, ҳудудидаги хонадонлардан бирига келиб-кетувчилар кўпайиб қолгани, уй эгасининг юриш-туриши ўзгарганлигини айтиб қолди. Низомга қўра, қатта инспекторга “устоз-шогирд” аъёнаси асосида чегарадош маҳаллалардаги профилактика инспекторлари бириктирилади. Уларга амалий кўмак бериш, ишини мувофиқлаштириш бизнинг зиммамизда. Шу асосида ҳолатни биргаликда ўрганишни бошладик. Қўни-қўшнилари,

маҳалла фаолларидан олинган маълумот ва қузатувлар шубҳамизни тасдиқлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказиб, қиморхона фаолиятига чек қўйдик.

Пулимўғоб туманидаги энг қатта маҳаллалардан бири. Биргина шу ҳудудда 5600 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, 1086 хонадонда 1270 тага яқин оила яшайди. Марказидан Самарқанд шаҳри ва Тойлоқ туманини ўзаро боғловчи Панжикент кўчаси кесиб ўтган ушбу маҳаллада криминоген вазият ҳар доим ҳам яхши бўлмаган. Аҳолиси кўп, келиб-кетувчи, йўловчилар ҳам. Шунга яраша савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари сони тобора ортиб бормоқда. Бу профилактика инспектори учун ҳақиқий синов.

– 2023 йилда маҳалламизда 38 та жиноят қайт этилган, “қизил” тоифада эдик, – дейди инспектор. – Шундан 7 таси олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар тоифасига қиради. Хатолардан тегишли хулоса чиқардик. Маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда олиб борган профилактик ишларимиз натижасида ўтган йилнинг тўртинчи чорагида “сарик” тоифага, жорий йилдан эса “яшил” тоифага ўтдик. Бу йил ҳисобидан бирорта жиноят содир этилмади.

Айни натижага эришиш учун инспектор кунини юқорида айтиб ўтилганидек муаммоли хонадонларни “зиёрат” қилиш-

дан бошлар экан. Кейинги манзил Панжикент кўчаси бўйлаб жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда мактаб бўлади.

– Мактабимиз у қадар қатта эмас, 307 нафар ўқувчи ўқийди, – дейди 42-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Ш.Сафаров. – Шундай бўлса-да, профилактика инспектори тез-тез келиб, ўқувчи-ёшлар ўртасида суҳбат ва бошқа тадбирларни ўтказиб кетади. У билан ҳамкорликда давомати паст ёки ўқишга қатнамай қўйган ўқувчиларнинг уйига бориб, оилавий вазиятини ўрганамиз. Ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқамиз.

“Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун”. Бу иборани кўпчилигимиз Александр Дюманинг “Уч мушкетёрлар” асарига оқали яхши биламиз. Бу гал уни маҳалла фаолларининг фаолиятини қузатиш давомида хотирладим. Ҳақиқатан ҳам бу маҳалладагилар “у иш сеники, бу иш меники”, деб ўтирмас экан. Муаммо пайдо бўлди, барча бир ёқадан бош чиқаради. Жараёнда маҳалла нурунийлари бош-қош бўлади.

– Шундай отиноийларимиз борки, бирорта оилада низо чиқса, уни ҳал қилмасдан уйига кетмайди, – дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли Мехринисо Қосимова. – Биз улардан ибрат оламиз. Янги ишга қўл уришдан олдин маслаҳат соламиз. Маҳалла аслида шундай ҳамжиҳат бўлиши керак. Одамлар бирор ноҳўя иш қилишдан олдин ўзига “Маҳалла-қўй нима дер экан?”, “Қўшнилари олдида уятли бўлмайми?”, деган саволларни берса, демек шу маҳалланинг виждони, яъни нуруний – кексалари ишлаётган бўлади. Бизда шундай.

Профилактика инспекторининг ҳар бир дақиқаси ҳисобда. У билан суҳбат чоғида ҳам мурожаат ва маслаҳатга келган фуқаролар билан ишлашдан тўхтагани йўқ. Асосийси, инспектор ҳам, маҳалланинг бошқа фаоллари ҳам ўз ишини билиб, яхши кўриб бажармоқда. Бундай ёндашув самарасиз бўлмайди, албатта.

Аскар БАРОТОВ

(Боши 1-саҳифада)

У масалани ижобий ҳал қилишга ваъда берди. Кўп ўтмай шу корхона вакили фалон милён ёзилган тўлов қоғози билан келди. Тўламасак, ишни судга оширишни дағдаға қилишдан ҳам тоймади. Ё тавба, ана зўравонлигу мана зўравонлик. Кулишингни ҳам, куйишингни ҳам билмайсан киши. Балки, соҳанинг кичигидан каттасига қадар “ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир”га ўрганиб қолишгандир. Қани айтингчи, ўттиз икки йилдан бери бу тизимда нима ўзгарди? Хизмат кўрсатиш замон талаблари даражасида тақомиллаштирилдими, аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари ўрганилиб, самарали қулайликлар яратилдими ва ёки юқори сифатли хизмат кўрсатиш асосий мезон қилиб белгиландими? Нима қилинди? Умуман, ўткан киши мавсумида юзага келган муаммоларни бартараф этиб, бу йил аҳолини мамнун этадиган бирон бир иш қилиндими?! Сиз “Ҳа!”, деб жавоб беришингиз мумкин. Мен эса ўткан йилдан қолган киши муаммосини ечиш учун сизнинг назариётчи ва амалиётчи ходимларингиз бизнинг маҳалламизда ҳамон гапдан нари ўтмаётганлигини сизга ҳам тушунтиришга мажбурман. Зора, бу сизни иссиққина кабинетдан чиқиб, биз томон йўлга чорласа...

Ўткан қишда давлатимиз раҳбари пойтахтдаги бир қатор маҳаллаларда бўлиб, иссиқлик таъминоти қоникарсиз эканлигини қайд этиб, мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш борасида бир қатор вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарларига аниқ топшириқлар берганидан хабарингиз бўлса керак. Кўп ўтмай, 2023 йилнинг 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳри аҳолисини қўшимча иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш мақсадида тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тезкор чора-тадбирлар тўғрисида”ги 23-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан бизнинг маҳалламизда ҳам (рўйхатнинг бошида турибди) замонавий иситиш қурилмаси бунёд этилиши шубҳасизки, ҳамма-ҳаммамизни қувонтириб юборди. Эрта баҳорда маҳалла оксоқолидан маблағ ажратилганлигини, лойиҳачи-ю, қурувчилар келиб кетганлигини эшитиб, янаям хурсанд бўлдик. Менимча, бу сизни ҳам анча хотиржам қилган бўлса керак. Хуллас, иситиш корхонаси қурилиши ана бошланади, мана бошланади билан бутун бошли ёз тугул, куз ҳам ўтиб, яна киши келди. Иситиш тизими қурилиши ҳақидаги хушxabар қандай лов этиб ёнган бўлса, шундай ўчди. Маҳалла оксоқолининг ҳам, туман иссиқлик таъминоти корхонаси мутасаддиларининг ҳам нафаси ичига тушди. Кимдан сўрасак, “билмайман”ни эшитадиган бўлдик. Эҳтимол, сизнинг ҳам жавобингиз шундай бўлар. Бошқача бўлганда бизни бохабар қилган бўлардингиз-да, тўғрими?

Президентимизнинг қишга тайёргарликнинг боришига бағишлаб ўтказган қатор йиғилишларида сохага масъул бўлган айрим раҳбарлар оғзини тўлдириб, “бу йил ҳеч қандай муаммо бўлмайди, қишга тайёрмиз” деди. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига биноан 2023 йилнинг 6 ноябрдан бошлаб пойтахт аҳолиси хонадонларига иссиқлик берилди. Худди шу кундан бошлаб, бизнинг кўрганимиз яна эски тосу эски ҳаммом бўлди. Эҳ-ҳе, сизга қарашли

бўлган тизимдан кимлар келиб кетмади. Униси бунисига ағдарса, буниси унисига ағдаради. Туман иссиқлик корхонаси мутахассислари “биз томондан муаммо йўқ, бу хизмат кўрсатувчи компаниянинг иши” деса, улар “ахир, босимнинг ўзи йўқ-ку” дейди. Ҳа, босим белгиланган даражада эмаслигини сизнинг ходимларингизгина эмас, биз ҳам яхши биламиз. Бу уч томон иштирокида исботлангач, ходимларингиз қўшни “Афросиёб” маҳалласидаги барча уйлариинг иссиқлик тарқатувчи қурилмаларига «шайба» қўйсақ, уйлариингиз исиб кетади, дея ишга киришдилар. Бундан натижа чиқмагач, сирни очиб, ўзларига ташвиш орттирмаслик учун кўзларини лўқ қилиб, минг бир баҳона билан қайтиб кетавердилар. Ҳатто,



МАЖЛИСИНГИЗ ТУГАДИМИ,

ЖАНОБ?

“Veolia energy Tashkent”
МЧЖ ХК бош директорига
жавоб хати

туман ҳокимининг ўринбосари ҳам билағонлари билан келиб, йўқ иссиқликни бор қилолмади. Биз эса пойтахт ҳокимиятидан тортиб, коммунал хўжалиги вазирлигига умид билан кўнғирок қилавердик. Афсуски, биров қайрилиб боқмади. Бу орада маҳалладаги тўртта кўп қаватли уйда ўндан ортик насос ноқонуний ишлатилаётганлиги, икки-уч уйда иситиш қозонига қайтиб бориши керак бўлган сув канализацияга оқизиб қўйилгани сизнинг мутахассисларингиз томонидан аниқланиб, далолатнома тузилгани, уни тасдиқлашни маҳалла оксоқоли рад этганлиги маълум бўлди. Бу билан ҳам ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Хўш, ҳар катра сув кўзга тўтиё бўлиб турган бир пайтда кўра-била туриб шундай ноқонуний ишга қўл уриш мумкинми? Наҳотки, юзлаб тонна сувнинг исроф бўлиши ҳеч кимни ташвишга солмаса? Гап гап билану лекин, биз ҳамон хонадонимизни электр қурилмалари билан иситиб ўтирибмиз. Маҳалла оксоқоли ўткан йили барпо этилмаган иссиқлик қурилмасини “маблағ ажратилди, бу йил албатта қурилади” дейди. Бу эски гап. Балки, янгисини сиздан эшитармиз. Ҳеч бўлмаса, ҳукумат қарори қачон ижро этилишини айтмасиз. 2024 йилнинг февраль ойи ҳам охирлаб борапти. Яна озгина чидасак, бу кишини ҳам ўтказамиз. Кейин нима бўлади? Яна ваҳима билан пул тўлатиришга келасизми? Яна тўламасангиз суд орқали ундирамиз, дейсизми?! Йўқ, энди бундай бўлмайди! Энди қўлимиздаги далиллар асосида сизга ёлғон маълумот бериб келаётганлар билан судда биз гаплашамиз. Сизнинг менга юборган мана бу хатингиз эса фикримнинг исботи. Марҳамат, ўқинг:

Январь ойининг ўрталарида сизнинг имзонгиз билан хат олдим. Аслида мен сизга хат билан ёки телефон орқали мурожаат қилганим йўқ. Шу боис ажабланганча конвертни очдим. Хат

менга, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосарига йўлланган экан. У “VEOLIA ENERGY TASHKENT” МЧЖ ХК...деб бошланганлиги мени яна хайрон қолдирди. Президентимизнинг “...Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим” дея бонг ургани, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб ўзбек тилида нутқ сўзлагани, она тилимизнинг жонқуяри сифатида халқимизга

шунтириш ишларини олиб борган ким экан? У қачон келиб, кимга нимани тушунтирибди? Янада тушинарироқ бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли Коммунал хизматлар кўрсатиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини нусхасидан илова тариқасида тақдим этилади. (Қачон, кимга?) ...МЧЖ ХКга фуқаро томонидан ёзма муносабат билдиришдан бош тортилди.” (Мендан ким нимага муносабат сўрабди?) Қаранг-а, ҳай-ҳай демаса, мени ҳеч балога тушунмайдиган дунёбеҳабарга чиқариб ўтирибсиз-а! “Аввал ўзингга боқ, сўнгра ногора қоқ” деган мақолимиз ёдингизга тушмагани чатоқ бўлибди-да, жаноб бош директор, аттанг! Хатоларингизни кавс

очига олдим. Илтимос, эга-кесими йўқ бу мантисиз хатни бирон бир тилчига кўрсата кўрманг! Уялиб қоласиз. Албатта “2” баҳо қўяди. Икки баҳо билан эса бош директор лавозимида ишлаб бўлмайди, шундай эмасми? Мен саводсизларча ёзилган ёлғон, айтиш жозикки, бўҳтонга қоврилган хатингизни ўқиб, сизга жуда-жуда ачиндим. Чунки, сиз мазкур хатнинг нусхасини шаҳар ҳокими ўринбосари ва шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош Бошқармаси бошлиғи ўринбосарига ҳам юборгансиз. Улар сизга ишониб, уни айнан кўчириб, юқорига жўнатадилар, албатта. Ходимларингиз сизни, сиз юқоридагиларни алдаганингиз қимматга тушмасмикан?!

Инсонийлик нуқтаи назаридан сиз билан гаплашмоқчи бўлиб, хатингиздаги 71.227-08-34 ёки 71.227-08-35 телефон рақамларига ҳафта давомида бир неча бор сим қоқдим. Узун гудок эшитилса-да, гўшакни ҳеч ким олмади. Охириги марта кўнғирок қилганимда аёл киши гўшакни кўтариб, сизнинг қабулхонангизни боғлаб берди. Менинг исми-шарифимни, нима масалада кўнғирок қилаётганимни ва телефон рақамимни ёзиб олган котиба мажлисдан чиқшингиз билан сизни албатта хабардор қилишини айтиб, хайрлашди. Мен мажлис тугагини бир ҳафта кутдим. Сиздан садо бўлмагач, тафсилотларни ўз ҳолича ушбу мақолага туширдим. Мажлисдан бўшаганингизда ўқиб, бир хулосага келарсиз деган умиддаман. Дарвоқе, иссиқлик масаласида ўткан йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига қилган мурожаатларим бўйича бугунга қадар на менинг, на қўшниларимнинг эшиқларини ҳеч ким тақиллатгани йўқ. Қиш эса қишлигини қилмоқда. Яхшиямки, электр иситгичларимиз бор экан. Бўлмаса, додимизни кимга айтишни билмай ўтираварар эканмизда-а?!

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист



Табиий ипакнинг минг бир синоати

Енгил саноатнинг ипакчилик соҳасидаги техник-иктисодий кўрсаткичларига қараганда йирик пиллаларни етиштириш ҳамда дастлабки ишлов беришда пиллалар сифати сезиларли даражада ўзгаради. Тирик пиллаларни қуритиш жараёнида пилла қобиғини табиий ҳолатини сақлаш, ҳамда чиқиндиларни кам чиқиши, юқори даражада чувалувчанликка эга пиллаларни шикастланиши ва ифлосланишига йўл қуймаслик керак.

Дунёда Хитой, Ҳиндистон, Ўзбекистон, Тайланд, Эрон, Шимолий Корея, Ветнам, Бразилия, Франция каби давлатлар ипакчилик соҳаси ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Ипакчиликни яхши изчил ривожлантиришда, корхоналарда замонавий технологиялардан фойдаланиш, тирик пиллаларни қуритиш агрегатларидан самарали фойдаланиш ҳамда маҳсулот кўрмиллигини ошириш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги замон талабларига кўра сифатли пилла ва улардан олинадиган ипаклар сифатли

бўлиши, харидоргир ипак газламалар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Дунёда сифатли қурук пилла ҳамда хом ипак ишлаб чиқариш техника ва технологиясини яратиш, уларни илмий асосларини барпо этиш буйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунинг асосида етиштирилган пилла маҳсулотларни табиий сифатини сақлаб қолишда янги қурилмалар яратиш ва уни муқобил энергия билан таъминлаш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий масалалар қаторига киради. Ипак қурти пиллаларига дастлабки ишлов бериш усули, нафақат уларнинг табиий хоссаларини сақлаб қолиш ҳамда ипак хомашёсини максимал даражада ишлаб чиқариш, шунингдек, пилла ипининг қимматли физик-механик хоссаларини сақлаб қолишдир. Тирик пилла массасининг 70-75% ини ташкил этувчи намлиги, қобиқ ва ғумбак ўртасида нотекис тақсимланганлиги қуритиш жараёнини мураккаблаштиради. Тирик ғумбақларда 80-85% намлик ва пилла қобиғида ўртача 12-16% намлик бўлади. Тирик пиллаларни қуритиш мураккаб термофизик жараён бўлиб, унда ғумбакдан ажралиб чиққан намлик қобиқнинг юзасига ўтади ва намлик алмашинуви бўлиб ўтади. Қуритиш жараёнида пилла қобиғи буғланиш юзаси бўлиб, иссиқлик алмашиш жараёнида иштирок этади.

Пилла қобиғининг хоссалари ва технологик хусусиятларини сақлани-

шини ҳисобга олган ҳолда пиллани қуритишнинг у ёки бу усулини танлаш ва тажрибада қўллаш жуда катта аҳамиятга эга.

Бозор иктисодиёти талабларидан келиб чиқиб, тирик пиллаларни қуритишда сифатли пиллалар олиш ҳамда тўқимачилик дастгоҳларида миллий ипак газламаларини тўқиб чиқариш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш энг муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда пиллаларни қуритишнинг усуллари иссиқ ҳаво, буғ ва микротўлқинли майдон, пилла қобиғининг кимёвий хоссаларига салбий таъсир этади ва ипак хомашёсининг сифатини бузади. Шу боис гидротермодинамик қуритиш жараёнларида меҳнат ресурслари сифатини камайтириш ва пилла сифатини, таъминлайдиган тирик пиллаларга дастлабки ишлов беришнинг самарадор усуллари яратиш мақсадга мувофиқдир. Табиий ипакдан газламалар ва парашютлар тайёрлашда, мудофаа соҳасида ва симларни изоляциялашда ишлатилади.

Ипак бақувват ва эластик тола ҳисобланади. Ҳарбий соҳада кабел симларни изоляцияловчи, элак, балиқ тўрлари, мусиқа асбоби торлари, медицинада оперция чокларини тикувчи восита сифатида қўлланилади.

Нигора ИСЛАМБЕКОВА,
техника фанлари доктори,
профессор

Аҳмадхон МАҲАМАТХОНОВ,
техника фанлари номзоди

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Шиддат билан ривожланаётган ҳозирги кунда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон омилига ғамхўрлик кўрсатиш, кадр-қимматини улуғлаш бош вазифа ҳисобланади. Албатта, бу жараёнда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби долзарб вазифалар устувор бўлиши лозим. Бундан қутилган асосий мақсад эса истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг сифатли, инсонлар соғлиги ва ҳаётига зарар етказмайдиган тарзда бўлиши талаб этилади.

Жараён

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2020 йил 19 февралдаги “Вилоятда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳужжатларлар муҳим дастурил амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда вилояти-

мизда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчилик кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида инсонлар ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи паст сифатли маҳсулот ва хизматларнинг сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилганлиги юзага келаётган ҳолатни ўрганишда асқотмоқда.

Ўрганишлар режасининг 4-бандига асосан Оҳангарон туманидаги умумий овқатланиш шаҳобчалари, бозорлар, савдо дўконлари, дорихоналар ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари томонидан истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати қонунийлиги, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш ҳолатлари юза-



сидан доимий ўрганиш ва кузатишлар олиб борилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан соҳа мутасаддиларига тегишли маълумотлар киритилди.

Ўтган йил давомида аҳолидан келиб тушган асосий мурожаатлар сув таъминоти, дорихонадаги вазиятлар, интернет тармоғидаги узилишлар, ободонлаштириш ишлари, шунингдек коммунал соҳалар хусусида бўлди. Барча мурожаатлар мутасадди ташкилот раҳбарлари томонидан ижобий ҳал қилинди.

Жорий йилдаги режаларимиз ҳам янада салмоқли. Хусусан, ушбу йилда умумий овқатланиш шаҳобчалари, бозорлар, савдо дўконлари, дорихоналар ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати қонунийлиги санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш ва ободонлаштирилиши юзасидан кенг камровли ўрганиш мониторинг ишларини олиб бориш, жамият аъзолари сонини кўпайтириш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиб боришдан иборатдир.

Фотимахон АҲ МАДХОНОВА,
Оҳангарон тумани
Истеъмолчилар ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш жамияти раиси

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати –
Ўзбекистон
Либерал-
демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари
миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-210
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.


ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани,
Новза кўчаси, 14-уй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЭЗГУЛИК УРУҒИНИ СОЧУВЧИЛАР



Инсон ҳаётини ҳам, жамият ривожини ҳам олам мавжудлигининг тўрт унсуридан бири сувга, сувнинг ҳаракатига ўхшатаман. Қўлмак сув осон ифлосланади. Оқин сувда эса табиий тозаланиш жараёни кечади. Инсон ҳам тинимсиз ҳаракат билан гуноҳлардан фориғ бўлиб, савобларини кўпайтириб бормоғи керак. Жамиятнинг ривожини ҳам сувнинг оқимиға қиёс қилсак, ҳар биримиз унинг бир томчисидек олдинга интилоғимиз, сув юзидаги ҳас-ҳашак ёки кўпика айланиб қолишдан сақланмоғимиз керак.

Дунёда ҳамма нарса нисбий. Бизнинг одамларга, уларнинг ҳатти-ҳаракатларига муносабатимиз ҳам. Ўзимиз ёқтирадиган кимса кўпроқ қулиб юборса “жуда ҳушчақчақ одам, бир гапириб ўн кулади-я” деб мақтаймиз. Ёқтирмайдиган одамимизни худди шундай қилмиши учун “бўлар бўлмасга кўйдирган калладай тиржасаяверади” деб таърифлаймиз.

Кўполроқ гап қилган муҳолифни “одобсизлигини қаранг, оғзидан боди кириб шоди чиқади-я” деймиз. Ўзимиз ҳушлайдиган одамни баъзида ундан баттароқ гапи учун “жуда сўқир йигит-да, болаҳонадор қилиб сўқади-я, азамат” деб мақтаб кўямиз.

Ҳамма нарса унга қандай кўз билан қарашга боғлиқ ҳолда тасаввур уйғотади. Руҳий ҳаста одам учун соғлом кишиларнинг ҳатти ҳаракатлари гирт жиннилик бўлиб туюлиши мумкин.

Олис манзилни кўзлаб йўлга чиққан кимса йўлида азим чинорлар, алпдек теракларга ҳам, ўтиндан бошқага ярамайдиган қинғир қийишқ ўсган дарахтларга ҳам, кўриб дилинг яшнайидиган гуллару кўзингни олиб қочсанг бадбўй ҳиди кўнгилни беҳузур қиладиган сассиқ алафга ҳам дуч келиши мумкин. Ҳаёт ҳам бир йўл. Унда турфа хил одамларга дуч келасан.

Маънавият инсонга аввало ўзлигини, ўзининг қадр-қимматини англашни ўргатади. У инсоннинг кўнглини ҳам, йўлини ҳам ёритишга қодир. Лекин, баъзида маънавият ҳақида оғиз кўпиртириб гапириш билан ўзларининг маънавиятсизликларини ниқобламоқчи бўладиганлар ҳам, афсуски, учраб туради.

Бир кишидан “Иштаҳанг борми?” деб сўрашса, “мен бечоранинг шундан бошқа нимам бор” деб жавоб берган экан. Ўз саломатлигимизни ўйлаб жисмишимизни озиклантирувчи айрим нарсалардан парҳез қилганимиз сингари, глобализм даври, ахборот асрида янгиликларга “иштаҳамиз” карнай бўлса-да, руҳимизни озиклантирувчи “маҳсулот”ларнинг ҳам баъзиларидан парҳез сақлаш лозим бўлиб қолди.

Ёшларни тарбиялаш жараёнида биз узоқдан назарий маълумотлар ва ибрат учун мисоллар излаб қийналмаймиз. Аждодларимизнинг маънавий меросларини ўрганиш, ўзбекона урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимизнинг ўзи инсонни маънавий камолот сари етаклайди.

Эканизимни ўраётганлигимизни тан олгимиз келмайди. “Биз ёшлигимизда бошқача эдик, э-э, ҳозирги ёшлар...”, деб ҳасрат қилиб қоладиган тенгдош ҳамкасбларимизга “Ҳа, энди, сиз билан бизнинг домларимиз ҳам бошқача эди-да”, деб ҳазиллашиб кўяман. Ҳар қандай ҳазилнинг тагида жиндай чини ҳам бўлади.

Инсон жисмини, танасини озиклантириши учун овқатланиши қанчалар зарур бўлса, руҳини озиклантириши учун билим, ахборот ҳам шунчалик муҳим. Ана шундай руҳни озиклантирувчи манбаларнинг энг асосийси китобдир. Унинг ўрнини бошқа нарса билан тўлдириб бўлмайди.

Таъзия маросимларида, хотира тадбирларида марҳумлар ҳақида айтилган айрим гапларни тинглаб, шу фикрлар унинг тириклигида айтилса умри узоқроқ бўлармиди, деб ўйлаб қоламан.

Гўдак доимо онасига талпинади. Она бағрида, она оғушидагина тинчланади, ҳузурланади, ором топади. Ватанни онага менгайдилар. Инсон ҳар қандай маконда Ватанга интилади. Ўзга заминдаги ҳар қандай шароитда инсон ўзини Ватандагидек эркин ҳис қилолмайди.

- Бир кун дафъатан бошим оғриб қолди. Хурсанд бўлиб кетдим, - деди бир танишим. Анчадан бери фақат бошқалар берган топшириқларни бажариш билан овора бўлиб, бошим борлиги эсимдан ҳам чиқиб кетган экан.

Донишманддан сўрабдилар:
- Ақл устунми ёки пул?
- Ақл устун, чунки пул билан ақл топиб бўлмайди, ақл билан пул топиш мумкин.
Шунга ўхшаши ақли, билими, маънавиятли инсон моддий бойликни яратиб йўлини топа олади, аммо, моддий таъминланган маънавий қашшоқ кимсадан яшшлик кутиб бўлмайди.

Булбул тухумдан бола очса фақат биттаси булбул, қолганлари карқуноқ чиқармиш. Куйлайдиганларниям, ёзадиганларниям саралари унчалик кўп эмаслигига ажабланишнинг ҳождати йўқ экан-да.

Темирдан ясалган сув идишини бўш ҳолда думалатиб олиб кетишаётганда шовқини оламни тутди. Қудуқдан сув тўлдириб қайтишаётганда шовқини йўқ эди. Одамларнинг феълү атвори ҳам шунга ўхшаши. Қанчалик “қуруқ” бўлса шовқини шунча баланд бўлади. Чуқур дарёлар сокин оқади.

Афанди бир жойдан дарвоза олиб қочибди. Орқасидан эгаси қувлаб келаётган экан, дарвозани катта йўлнинг ўртасига қўйиб ичидан қулфлаб олибди. Ҳалиги одам ён томонидан ўтиб бир тарсаки туширса, Афанди, “Ие, бу ёқда ҳам дарчаси бор эканми?” дермиш.

Айрим жойларда давлат мулкни талон-тороғ қилиши ва ташишчиликка қарши кураш ишлари ҳам кўча ўртасига ўрнатилган дарвозани эсга солади.

Хотира муқаддас туйғу. Хотирлаш маросимлари марҳумларга керак эмас. Тирикларга керак. Бугунги кунимиз учун умрларини бахшида этган аждодларимиз олдида қарздорлик ҳиссини унутмаслигимиз учун. Фарзандларимиз фидокорона меҳнат изсиз кетмаслигини, қадрланишини англаб етишлари, кимларнинг авлоди эканлигини унутмасликлари, кўнгилларида фахру-ифтиҳор туйишлари, эзгу ишларга чоғланишлари учун керак.

Баъзида “андиша” фазилатми ёхуд қусурми, деб ўйлаб қоламан. Албатта, ўз ўрнида, меъёрида бўлса юксак фазилат. Лекин, “андиша” ниқоби остидаги муътелимизни ҳам тан олишимиз керак. Яшириб нима қиламиз, нафақат ёшлар, айрим катталарда ҳам мустақил фикрлаш кўникмалари кўнгилдагидек эмас. Арзимаган нарса учун ҳам кимнингдир кўрсатмаси ёхуд ҳеч йўғи руҳсати бўлиши кераклигига ўрганиб қолганмиз.

Урф-одатларимиз ҳам инсонларни аҳилликка, ҳамжиҳатликка, каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатишга, шукроналикка, ҳалоллик ва тўғрилиқка, бир сўз билан айтганда маънавий баркамоллик сари интилишга ўргатади.

Пиру бадавлат қарияларимизнинг пурмаъно насиҳатларини қулоққа олган ютади. Уларнинг нафақат гаплари, балки юриш-туриши, қаршии, йўталиши ҳам тарбиявий жараённинг бўлаги бўлиб келган.

Ижодкорлар инсонлар қалбига эзгулик уруғини сочувчилардир. Мутахассисларнинг фикрича умид билан тупроққа қадалган бир дон бугдой донидан икки юз эллик-уч юз дон бугдой дони етишар экан. Шояд биз эканган эзгулик уруғлари ҳам ана шундай ҳосил берса.